

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

5-сон
(1025)
2022 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

41. «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 1 февралдаги ЎРҚ–748-сон Қонуни
42. «Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 февралдаги ЎРҚ–749-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

43. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги ПҚ–108-сон қарори
44. «Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги ПҚ–111-сон қарори

Учинчи бўлим

45. «Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сон қарори

Бешинчи бўлим

46. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 2 февралдаги 2-мх-сон «Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3347*)
47. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2022 йил 28 январдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-4*)
48. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2022 йил 28 январдаги 37-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2654-3*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****41 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 24 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **7¹-модда** билан тўлдирилсин:

«7¹-модда. Ваколатли иқтисодий оператор

Қонунчиликда белгиланган тегишли талабларга жавоб берувчи юридик шахслар ваколатли иқтисодий оператор мақомини олиши мумкин.

Ваколатли иқтисодий оператор мақомини олиш тартиби, Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш учун танлаш мезонлари ва ваколатли иқтисодий оператор томонидан амалга ошириладиган махсус содалаштирилган божхона тартиб-таомиллари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ваколатли иқтисодий операторлар реестрини юритади ва унинг ўз расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ҳамда камида ҳар ойда янгилаб борилишини таъминлайди»;

2) **22-модданинг:**

иккинчи қисми:

«д» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) зарур ҳужжатлар (бундан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаган товарлар»;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 февралда эълон қилинган.

қуйидаги мазмундаги «ж» банд билан тўлдирилсин:

«ж) божхона юк декларацияси топширилгунига қадар чиқариб юборилган, шунингдек дастлабки, муваққат, тўлиқ бўлмаган ёки даврий божхона юк декларацияси расмийлаштирилган ҳолда тегишли божхона режимига жойлаштирилган товарлар»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур модданинг иккинчи қисми «а» бандида кўрсатиб ўтилган шартли чиқариб юборилган товарлардан фақат божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш шартларига мувофиқ бўлган мақсадда фойдаланилиши керак. Мазкур товарлардан улар шартли чиқариб юборилган пайдан эътиборан уч йил ичида бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда, берилган божхона имтиёзлари бекор қилиниб, божхона тўловларини тўлаш мажбурияти тикланади.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисми «д» бандида кўрсатиб ўтилган шартли чиқариб юборилган товарлар учун тақдим этилмаган мувофиқлик сертификатини ёки санитария-эпидемиология хулосасини олиш талаб этилса, ушбу товарлардан фойдаланиш, уларни учинчи шахсларга бериш, шу жумладан уларни сотиш ёки ўзга усулда бошқа шахсга ўтказиш орқали бериш тақиқланади, мазкур товарларни олиб киришга доир чекловлар ушбу товарларнинг сифати ва хавфсизлиги текширилиши муносабати билан белгиланган ҳолларда эса ҳар қандай шаклда фойдаланиш (ишлатиш) тақиқланади»;

3) **32-модданинг:**

иккинчи ва учинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **36-модданинг иккинчи қисми чиқариб** ташлансин;

5) **38-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарни вақтинча олиб чиқиш божхона режимига жойлаштириш учун декларант божхона органига божхона юк декларациясини ва товарнинг кузатув ҳужжатларини, шунингдек товарни етказиб бериш ёки топшириш тўғрисидаги контрактни (шартномани, келишувни) (товар ижара, лизинг шартномаси, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида вақтинча олиб чиқилган ҳолларда) тақдим этади»;

6) **39-модданинг:**

биринчи қисми чиқариб ташлансин;

иккинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **биринчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарни вақтинча олиб чиқиш муддатини узайтириш товарни божхона органига тақдим этмасдан амалга оширилади»;

7) **40-модданинг иккинчи қисмидаги** «божхона органининг рухсатномаси асосида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **58-модданинг:**

бешинчи ва олтинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

еттинчи ва **саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) **61-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

10) **63-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштириш учун декларант божхона органига божхона юк декларациясини ва товарнинг кузатув ҳужжатларини, шунингдек товарни етказиб бериш ёки топшириш тўғрисидаги контрактни (шартномани, келишувни) (товар ижара, лизинг шартномаси, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида вақтинча олиб кирилган ҳолларда) тақдим этади»;

11) **64-модданинг:**

биринчи қисми чиқариб ташлансин;

иккинчи — **еттинчи қисмлари** тегишинча **биринчи** — **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми:

иккинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай товарларни вақтинча олиб кириш муддати ушбу ваколатхоналар ва шахсларнинг аккредитация муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади»;

тўртинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай товарларни вақтинча олиб кириш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади»;

олтинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай товарларни вақтинча олиб кириш муддати мазкур келишувларнинг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади»;

саккизинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «бундан буёнги» деган сўзлар «кейинги» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги «ривожланиш давлат дастурларига киритилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вақтинча олиб кириш божхона режими муддатини узайтириш божхона юк декларациясининг тегишли бўлмасига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади»;

12) **69-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Вақтинча олиб кирилган товарлар реэкспорт божхона режимига бир ёки бир нечта туркум билан жойлаштирилгандан сўнг олиб чиқилиши мумкин»;

13) **72-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарни божхона ҳудудида қайта ишлашга қўйидаги талабларга ва шартларга риоя этилган ҳолда йўл қўйилади:

олиб кирилган товарни уни қайта ишлаш маҳсулотларида идентификациялаш;

қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини белгилаш;

товарларнинг божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимини қўллашга доир тақиқлар ва чекловлар остига тушиб қолишини истисно этиш;

олиб кирилган товар учун ушбу Кодекснинг 47-бобига мувофиқ божхона тўловлари тўланишини таъминлаш, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

товарни божхона ҳудудида қайта ишлаш операцияларининг ушбу Кодекснинг 71-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши.

Қайта ишлаш жараёни техник-иқтисодий асосларининг кўрсаткичлари ёки идентификациялаш усули ёхуд қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаси ўзгарган тақдирда, товарни божхона ҳудудида қайта ишлаш рухсатномасини бериш тўғрисида янги ариза берилиши керак. Бунда юридик шахс ўзгартирилганлиги, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарганлиги сабабли контракт (шартнома, келишув) шартлари ўзгарган тақдирда, янги ариза бериш талаб этилмайди»;

14) 74-модда:

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Товарни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарни идентификациялаш товарнинг ва қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган операцияларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги усуллардан бири ёки бир нечтаси ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарга муҳрлар қўйиш ва зарур бўлганда штамплар қўйиш, рақамли тарзда ва (ёки) бошқача тарзда тамгалаш;

қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарни батафсил тавсифлаш, уни фотосуратга тушириш ёки бошқа ўлчамда тасвирлаш;

қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарнинг олдиндан олинган намуналарини ёки нусхаларини ва унинг қайта ишланган маҳсулотини тадқиқ этиш натижаларини қиёслаш;

қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарнинг завод ва серия рақамлари тарзидаги мавжуд тамғаланишидан ёхуд бошқача тарздаги тамғаланишидан фойдаланиш.

Товарни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарни идентификациялаш қонунчиликка мувофиқ бошқа усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарни идентификациялаш усули ваколатли шахс томонидан белгиланади»;

15) **76-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона ҳудудида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаси, агар ушбу нормалар белгиланган тартибда тасдиқланмаган бўлса, товарни қайта ишлаш амалга ошириладиган ҳақиқий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ваколатли шахс томонидан аниқланади ва тасдиқланади, шунингдек товарни божхона ҳудудида қайта ишлаш рухсатномаси бериладиганда божхона органи томонидан белгиланади.

Қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаси белгиланаётганда божхона органлари ваколатли шахс тақдим этган қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжатларга ҳамда қайта ишлашнинг аниқ технологик жараёнига асосланади.

Ваколатли шахс қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини аниқлашда давлат органларининг ва (ёки) ваколатли органларнинг хулосаларига асосланиши мумкин.

Қайта ишлаш маҳсулотларининг тавсифи, миқдори, сифати қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаси аниқланганидан кейин белгиланади»;

16) **109-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга йўл қўйилмайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно»;

17) **113-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштирилган чет эл товарлари, шунингдек Ўзбекистон товарлари божхона ҳудудидан чиқиб кетаётган ва божхона ҳудудига кириб келаётган жисмоний шахсларга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эллик шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган чет эллик шахсларга ушбу бобда белгиланган шартларда чакана ҳолда реализация қилинади»;

18) **116-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «божхона чегарасида жойлашган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **118-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарни божхона транзити божхона режимига жойлаштириш учун декларант божхона органига транзит декларациясини ва товарнинг кузатув ҳужжатларини тақдим этади»;

20) **121-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

21) **128-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

22) **129-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «жойлаштиришга рухсатнома олиш тўғрисидаги аризанинг» деган сўзлар «жойлаштиришнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Товарни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштириш учун рухсатнома берган божхона органи» деган сўзлар «Божхона органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **131-модданинг иккинчи қисмидаги** «рухсатнома берган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **132-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштириш божхона органи томонидан берилган тегишли рухсатнома асосида амалга оширилади»;

25) **133-модда** чиқариб ташлансин;

26) **134-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«134-модда. Товарни божхона ҳудудидан ташқарида (ҳудудида) қайта ишлашга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар

Товарни божхона ҳудудидан ташқарида (ҳудудида) қайта ишлашга рухсатнома олиш учун ваколатли шахс товар қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, ўша божхона органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1) божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун:

рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза;

қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги маълумотлар бўлган техник-иқтисодий асослар (ҳисоб-китоблар), шунингдек ваколатли органларнинг ва (ёки) ваколатли ташкилотларнинг (шу жумладан божхона лабораторияларининг) қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормаларини белгилаш учун муайян қайта ишлаш технологик жараёнига асосланган хулосалари, бундан қайта ишлаш операцияси таъмирлашдан иборат бўлган ҳоллар мустасно;

қайта ишлашни амалга ошириш учун асос бўлган контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) ёки товарни қайта ишлаш учун олиб чиқишга ва қайта ишлаш маҳсулотларини олиб киришга доир контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) кўчирма нусхаси;

2) божхона ҳудудида қайта ишлаш учун:

рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза;

қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган техник-иқтисодий асослар (ҳисоб-китоблар) (бундан устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фонди (устав капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар мустасно);

товарни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кирилатган товарни идентификациялашнинг ваколатли шахс томонидан белгиланган усули;

ваколатли шахс томонидан аниқланган қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини баҳолаш усули, бундан қайта ишлаш операцияси таъмирлашдан иборат бўлган ҳоллар мустасно;

қайта ишлашни амалга ошириш учун асос бўлган контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) ёки товарни қайта ишлаш учун олиб киришга ва қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқишга доир контрактларнинг (шартномаларнинг, келишувларнинг) кўчирма нусхаси.

Товарни божхона ҳудудидан ташқарида (ҳудудида) қайта ишлашга рухсатнома олиш учун ваколатли шахсдан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди»;

27) **135-модданинг учинчи қисмидаги** «133 ва 134-моддаларида» деган сўзлар «134-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **136-модданинг:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

29) **137-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга ёки божхона ҳудудида қайта ишлашга рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак»;

30) **144-модданинг матнидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин;

31) **157-модданинг иккинчи ва учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларда халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан, товарларни қонунчиликда белгиланган божсиз олиб кириш нормаси доирасида;

жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларда олиб ўтилатган товарларга нисбатан, товарларни қонунчиликда белгиланган божсиз олиб кириш нормаси доирасида, бундан жисмоний шахс манзилига келатган товарлар мустасно»;

32) **161-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«161-модда. Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлар учун олиб ўтилатган товарларнинг божхона расмийлаштируви

Темир йўл транспортида божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахсларга, башарти божхона назорати қоидаларига риоя этилса, транспорт воситасини тарк этмаган ҳолда божхона операцияларидан ўтиш имконияти берилади.

Жисмоний шахс томонидан олиб ўтилатган товарлар ва (ёки) транс-

порт воситалари уларнинг божхона расмийлаштирувини дарҳол амалга ошириш ёки божхона тўловларини дарҳол тўлаш имкони бўлмаган тақдирда вақтинча сақлаш учун жойлаштирилиши ёки божхона ҳудудидан олиб чиқилиши лозим.

Жисмоний шахслар томонидан божхона ҳудудига содалаштирилган тартибда нотижорат мақсадлар учун олиб кириладиган ва унинг ташқарисига олиб чиқилаётган товарларга божхона мақсадлари учун тегишинча эркин муомалага чиқарилган ёхуд экспорт божхона режимида олиб чиқилган товарлар сифатида қаралади.

Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлар учун олиб кириладиган, божсиз олиб кириш нормаларидан ортиқ бўлган товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

33) 162-модда бешинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур товарлар оғзаки тарзда декларацияланади, бундан олиб кирилиши ёки олиб чиқилиши қонунчиликка мувофиқ тақиқланган ёхуд чекланган товарлар, шунингдек қиймати ва (ёки) миқдори қонунчиликда белгиланган божсиз олиб кириш нормасидан ошиб кетган товарлар мустасно»;

34) 163-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахслар томонидан қўл юкида ёки кузатиб бориладиган бағажда нотижорат мақсадлар учун олиб ўтиладиган, шунингдек халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларида юборилган товарларнинг қиймати ва (ёки) миқдори товарларни божсиз олиб киришнинг қонунчиликда белгиланган нормасидан ортиқ бўлса, товарларнинг бундай ортиқ қисмига ягона божхона тўлови тўланади.

Товарлар жисмоний шахснинг манзилига келиб тушганда божхона тўловлари олиб кириладиган товарларнинг бутун суммасидан, товарларни божсиз олиб кириш нормаси қўлланилмаган ҳолда ундирилади, бундан халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари мустасно.

Ягона божхона тўлови нотижорат мақсадлардаги товарларни декларациялашда, шакли ва тўлдирилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган божхона кирим ордери асосида жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Божхона кирим ордерининг бир нусхаси божхона тўловларини тўлаган жисмоний шахсга топширилади (юборилади).

Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали нотижорат мақсадлар учун олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона кирим ордерини тўлдириш ва ягона божхона тўловини ҳисоблаш божхона органининг мансабдор шахси томонидан амалга оширилади»;

35) 167-модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларидаги «ўн» деган сўз «ўлттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

36) 169-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлар учун халқаро почта ва

куррьерлик жўнатмаларида юбориладиган, қиймати ва (ёки) миқдори товарларни божсиз олиб кириш нормасидан ортиқ бўлган товарларнинг ортиқ қисми учун ягона божхона тўлови тўланади»;

37) 174-модданинг учинчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «икки» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

«**а**» **бандидаги** «божхона ҳудудига кириб келаётган ва божхона ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган жисмоний шахсларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги «**в**» **банд** билан тўлдирилсин:

«**в**) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча турган чет эллик шахслар учун бож олинмайдиган, божхона ҳудудига олиб кирилган чет эл товарларини ёки Ўзбекистон Республикаси товарларини миллий валютада ва (ёки) чет эл валютасида чакана реализация қилиш учун мўлжалланган савдо дўкони. Мазкур турдаги бож олинмайдиган савдо дўконлари фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

38) 176-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «божхона органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

39) 195-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тирик ҳайвонлар ва тез бузиладиган товарлар биринчи навбатда божхона кўригидан ўтказилади»;

учинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмининг учинчи хатбошиси «ғиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «ва уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

40) 197-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товар жўнатувчилар ва ташувчилар томонидан, шунингдек чет давлатларнинг божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қўйилган пломбалар, муҳрлар ёки бошқа божхона идентификациялаш воситалари божхона идентификациялаш воситалари сифатида эътироф этилиши мумкин»;

41) 201-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар чиқариб юборилганидан кейин божхона органлари, агар божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари мавжуд деб тахмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлса, божхона назоратини амалга оширишга, шу жумладан божхона аудити усуллари асосида амалга оширишга ҳақли»;

иккинчи қисмининг русча матнидаги «относящуюся» деган сўз «относящиеся» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Божхона органлари божхона тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилганлигини ваколатли шахс томонидан божхона расмийлаштируви жараёнида тақдим этилган ҳужжатларни молия-хўжалик фаолиятига боғлиқ ҳужжатларда акс этирилган маълумотлар билан солиштирган ҳолда ўрганиш ва текшириш орқали божхона аудитини амалга оширади.

Божхона аудитини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

42) **206-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ваколатли шахслар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали олиб кирилиши кутилаётган товарлар ҳамда транспорт воситалари, шу жумладан йўловчилар ва уларнинг бағажлари тўғрисидаги дастлабки ахборотни улар амалда етиб келгунига қадар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали божхона органларининг ахборот тизимига тақдим этиши шарт.

Ваколатли шахслар тақдим этиладиган дастлабки ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади»;

43) **207-модданинг бешинчи қисмидаги** «бўлиб, у махфий ахборотдир» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

44) **218-модда:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона назорати остида ташилаётган товарлар ва (ёки) транспорт воситалари учун белгиланган етказиб бериш муддатлари ташувчи томонидан бузилган тақдирда, етказиш пунктидаги божхона органи томонидан ташувчидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда йиғим ундирилади»;

олтинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **еттинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

45) **220-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Товарни божхона назорати остида етказиб бериш устидан назорат транзит декларацияси ёрдамида амалга оширилади.

Транзит декларацияси божхона ҳудуди бўйлаб божхона назорати остида ташилаётган товар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, товар келиб тушадиган божхона органигача етказиб берилганлиги назоратини божхона органлари томонидан амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатдир.

Транзит декларацияси бир ёки бир нечта товарнинг кузатув ҳужжатлари бўйича ташиладиган товарнинг ҳар бир туркуми ёки товарларнинг бир нечта туркуми учун расмийлаштирилади.

Олиб чиқиладиган товарларни божхона назорати остида етказиб бериш устидан назорат божхона юк декларациясидан фойдаланган ҳолда амалга

оширилади (бундан жисмоний шахслар томонидан доимий яшаш жойи ўзгарганлиги муносабати билан божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган шахсий мол-мулк мустасно).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда, транзит декларацияси сифатида мазкур шартномаларда белгиланган ҳужжатлардан фойдаланилади»;

46) **223-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона органлари чет эл товарларини ташиётган транспорт воситаларининг хавфларни баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда божхона кузатувини амалга ошириши мумкин»;

47) **226-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транзит декларациясини»;

48) **248-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни текшириш божхона декларацияси қабул қилинган ва барча зарур ҳужжатлар ҳамда маълумотлар тақдим этилган кундан эътиборан бир иш куни ичида божхона органи томонидан амалга оширилади. Мазкур муддат хавфларни бошқариш тизимида белгиланган зарур тадбирларни, шунингдек бошқа давлат органлари томонидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайди»;

49) **256-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«транзит декларацияси»;

учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

50) қуйидаги мазмундаги **257¹-модда** билан тўлдирилсин:

«257¹-модда. Транзит декларацияси

Транзит декларацияси товарлар ва (ёки) транспорт воситалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда божхона органига тақдим этиладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирадиган ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит олиб ўтиладиган товарларини жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган божхона органигача назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳужжатдир.

Транзит декларацияси божхона органига электрон тарзда тақдим этилади»;

51) **260-модда:**

«**а**» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) оғзаки шаклда:

жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги, қиймати ва миқдо-

ри қонунчиликда белгиланган товарларни божсиз олиб кириш нормаларидан ошмайдиган товарлари декларацияланаётганда;

қонунчиликда белгиланган нормадан ошмайдиган, ёзма шаклда декларациялаш шарт бўлган суммадаги нақд миллий ва чет эл валютаси»;

«б» бандининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги, қиймати ва миқдори қонунчиликда белгиланган товарларни божсиз олиб кириш нормасидан ошадиган товарларининг»;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган нормадан ошадиган, ёзма шаклда декларациялаш шарт бўлмаган суммадаги нақд миллий ва чет эл валютаси»;

«г» бандининг:

иккинчи хатбошисидаги «ўн» деган сўз «ўттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «бир» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **«д» банд** билан тўлдирилсин:

«д) ушбу модданинг «б», «в» ва «г» бандларида кўрсатилган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда — электрон шаклда»;

52) **261-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транзит декларацияси божхона ҳудудига кириб келаётган товарлар ва транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтгунига қадар ёки кесиб ўтиш вақтида берилади»;

53) **265-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона декларацияси қабул қилинганидан сўнг ўзгартириш, қўшимча киритиш, қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва (ёки) бекор қилиш декларант божхона органига мурожаат этганидан кейин ёки божхона органининг талабига кўра амалга оширилади»;

54) **266-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электрон шаклдаги божхона юк декларациясида кўрсатилган маълумотларга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш божхона юк декларациясига тузатишлар киритиш шаклини расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

55) **271-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш божхона органлари мансабдор шахсларининг иштирокисиз, божхона органларининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин»;

56) **274-модда** қуйидаги мазмундаги **3-банд** билан тўлдирилсин:

«3) товарлар транзит божхона режимида ташилаётганда:

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти — темир йўл транспортида;

товарларни ташишни амалга оширувчи шахс (хайдовчи ёки ваколатли шахс) — автомобиль транспортада»;

57) 289-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 163 ва 169-моддаларида назарда тутилган ҳолларда қонунчиликда белгиланган божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

58) 291-модда:

биринчи қисмининг:

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона йиғимларининг миқдори божхона органлари томонидан божхона ҳаракатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларининг тахминий қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

59) 297-модда иккинчи қисмининг:

6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) учун олиб кириладиган товарларга»;

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан олинадиган товарларга»;

13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган, тасдиқланган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга»;

60) **299-модданинг 3-банди** чиқариб ташлансин;

61) **301-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

62) 320-модданинг:

олтинчи ва **еттинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш ушбу Кодекснинг 266-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Агар декларант ёки божхона брокери божхона органи томонидан товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига киритилган тузатишларга рози бўлмаса, товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш сабабларини ёзма равишда тушунтириб беришни божхона органидан сўраб олишга ҳақли;

тўққизинчи қисми чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

63) **321-модда олтинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш ушбу Кодекснинг 266-моддасига мувофиқ амалга оширилиб, у товарнинг божхона қийматига нисбатан узил-кесил қарор ҳисобланади»;

64) **328-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловлари божхона органларининг қонунчиликка мувофиқ шу мақсадлар учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўловчи томонидан тўланади.

Тўланган ва ундирилган божхона тўловларининг ҳисоби божхона органларининг ахборот тизимида юритилади.

Тўланган божхона тўловларидан олинган маблағлар товарлар чиқариб юборилган кундан ёки тўланиши божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан беш иш куни ичида божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади, бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолат мустасно.

Ушбу Кодекснинг 262, 269 ва 270-моддаларига мувофиқ товарларни декларациялашда тўланган божхона тўловлари лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларацияси расмийлаштирилиши яқунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

Божхона тўловлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, миллий валютада тўланади»;

65) **329-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш календарь кундан ошмаслиги, лекин ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаслиги керак, бундан ушбу модданинг бешинчи ва ўн биринчи қисмларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан бир юз йигирма календарь кун муддатга кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти қуйидагилар бўйича берилади:

ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган, божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар учун божхона тўловларини тўлаш бўйича;

моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга, фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликларига ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилатган товарлар учун божхона божини тўлаш бўйича»;

66) **331-модданинг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«божхона органларига ариза тақдим этилган пайтда божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик мавжудлиги»;

67) **332-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловларини ваколатли иқтисодий операторларга кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганда ҳамда ушбу Кодекс 329-моддасининг бешинчи ва ўн биринчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ўн тўрт календарь кунга берилганда ушбу муддат учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди»;

68) **347-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «тузатишлар киритиш шакли расмийлаштирилган кун» деган сўзлар «тузатишлар киритилган кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

69) **351-модданинг иккинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«товарларнинг божхона назорати остида бўлишига доир талаблар бузилган ҳолда йўқотилган ёхуд фойдаланилган ёки бериб юборилган товарлар бўйича ҳисобланган божхона тўловлари тўланмаганда»;

тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

70) **48-боб** қуйидаги мазмундаги **352¹-модда** билан тўлдирилсин:

«352¹-модда. Божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни умидсиз деб эътироф этиш

Мажбуриятнинг суд қарорига кўра тугатилганлиги оқибатида ёхуд қарздор банкрот бўлганлиги, тугатилганлиги ёки вафот этганлиги оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган божхона тўловлари бўйича қарздорлик умидсиз қарз деб ҳисобланади.

Божхона органларининг қарорига кўра божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик қуйидаги ҳолларда умидсиз қарз деб эътироф этилади:

1) юридик шахс тугатилганда — унинг божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзининг ўз мол-мулки етарли эмаслиги ва (ёки) қарздорликни қонунчиликда белгиланган доирада ва тартибда ушбу юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан узиш мумкин бўлмаганлиги сабабли узилмай қолган қисми бўйича;

2) якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб эътироф этилганда — божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзнинг қарздорнинг мол-мулки етарли эмаслиги сабабли узилмай қолган қисми бўйича;

3) жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда — унинг божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзининг

ўз мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан мерос давлат мулкига ўтган тақдирда узилмай қолган қисми бўйича;

4) чет эл юридик шахси солиқ органидан ҳисобдан чиқарилганда — унинг божхона тўловлари бўйича қарздорлигининг доимий муассасанинг мол-мулки етарли эмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахс томонидан қарздорликни қонунчиликда белгиланган доирада ва тартибда узиш мумкин бўлмаганлиги сабабли узилмай қолган қисми бўйича. Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган мазкур қарздорлик ушбу чет эл юридик шахси солиқ органида қайтадан ҳисобга қўйилганда тикланиши лозим.

Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни ҳисобдан чиқариш тартиби ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланади»;

71) **368-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

72) **370-модданинг биринчи қисмидаги** «товар божхона органига тақдим этилгунга қадар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

73) **407-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«407-модда. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни божхона чегараси орқали назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ижозати ҳамда назорати остида божхона ҳудудига уларни олиб кириш, ушбу ҳудуддан олиб чиқиш ёки олиб кирилган ашёларни ундан олиб ўтишга йўл қўйиладиган тезкор-қидирув тадбиридир.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва бошқа ашёлар халқаро қонунга ҳилоф муомалада бўлишининг олдини олиш, шунингдек бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳар бир алоҳида ҳолда чет давлатларнинг ваколатли органлари билан келишувларга қўра ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланади, яъни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, шунингдек бошқа ашёларнинг ўз назорати остида божхона ҳудудига олиб кирилишига, бу ҳудуддан олиб чиқилишига ёки транзит тарзида олиб ўтилишига йўл қўяди.

Назорат остида етказиб бериш усули жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси бўлган бошқа ашёларга ёхуд жиноий йўл билан топилган ашёларга нисбатан ўзи билан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш контрабанда деб ҳисобланувчи ашёларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар бир алоҳида ҳолда тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан қабул қилинади.

Тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар божхона органлари билан келишилган ҳолда товарларни назорат остида етказиб беришни амалга оширади.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни назорат остида етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикасида жиноят иши қўзғатилмайди.

Назорат остида етказиб беришни амалга оширувчи орган раҳбари қабул қилинган қарор ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини дарҳол хабардор қилади»;

74) **408-модданинг номи** ва **биринчи қисмидаги** «гиёҳвандлик воситаларини», «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлар «гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

75) қуйидаги мазмундаги **XI¹ бўлим** билан тўлдирилсин:

«XI¹ бўлим. Божхона органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш

409¹-модда. Шикоят қилиш ҳуқуқи

Ваколатли шахслар божхона органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликка ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган, божхона органларининг бир ёки бир нечта жисмоний ёки юридик шахсга қаратилган, юридик аҳамиятга молик муайян ҳаракатларни содир этишга доир кўрсатмаси мавжуд бўлган ҳужжат божхона органининг норматив хусусиятга эга бўлмаган қарори деб эътироф этилади.

409²-модда. Шикоят бериш тартиби ва муддатлари

Божхона органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи божхона органига шикоят қилиш божхона тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Божхона органларининг текширувлар ва божхона аудити натижалари

юзасидан қабул қилинган қарорлари устидан юқори турувчи божхона органига шикоят шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддат узрли сабабга қўра ўтказиб юборилган тақдирда, ушбу муддат шикоят бераётган шахснинг илтимосномаси бўйича юқори турувчи божхона органи томонидан тикланиши мумкин.

409³-модда. Шикоятнинг шакли ва мазмуни

Шикоят ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ёзма ёки электрон тарзда юборилиши мумкин.

Шикоятда қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) шикоят берилаётган божхона органининг номи;
- 2) шикоят бераётган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки юридик шахснинг номи ва манзили;
- 3) шикоятдаги эътирозларни асослантирувчи ҳолатлар;
- 4) илова қилинган ҳужжатлар рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);
- 5) шикоят бераётган шахснинг талаблари;
- 6) шикоят берилган сана.

Шикоятда телефон рақамлари, электрон почта манзиллари ва шикоятни ўз вақтида кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Шикоят уни берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Шикоят шахснинг ваколатли вакили томонидан берилган тақдирда, шикоятга ушбу вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

409⁴-модда. Шикоятни кўриб чиқишни рад этиш

Божхона органи қуйидаги ҳолларда шикоятни кўриб чиқишни рад этади:

шикоят ушбу Кодексда белгиланган шикоят бериш муддати тугаганидан кейин берилганда ва уни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома мавжуд бўлмаганда;

шикоят ушбу Кодекснинг 409³-моддасида белгиланган талабларга мос бўлмаганда;

шикоят берган шахсдан шикоятни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисидаги ариза шикоят бўйича қарор қабул қилингунига қадар келиб тушганда;

шикоят бунга ваколатли бўлмаган шахс томонидан берилганда;

илгари айнан ўша асослар бўйича шикоят берилганда;

шикоят қўзғатилган жиноят иши доирасида ёки судга берилганда.

Шикоятни кўриб чиқаётган божхона органи шикоят олинган ёхуд шикоятни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисидаги ариза олинган кун-

дан эътиборан беш кун ичида шикоятни тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдириш ҳақида қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарор тўғрисида шикоят берган шахсга қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ёзма шаклда хабар қилинади.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда, божхона органининг шикоятни кўриб чиқишни рад этиши шахснинг ушбу Кодекснинг 409²-моддасида белгиланган муддат доирасида такроран шикоят бериш ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

409⁵-модда. Шикоятни кўриб чиқиш тартиби

Шикоят берган шахс ўз далилларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни шикоятни кўриб чиқиш жараёнида шикоят бўйича қарор қабул қилинганга қадар тақдим этишга ҳақли.

Шикоятни кўриб чиқаётган божхона органи ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчи шахснинг илтимосномасига кўра шикоятни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Божхона органи шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича шикоят рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан ўн беш календарь куни ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текширув ўтказиш, қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш зарур бўлган тақдирда эса бир ойга қадар бўлган муддатда асослантирилган қарор чиқаради.

409⁶-модда. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор чиқариш

Божхона органи шикоятларни кўриб чиқиш учун апелляция комиссиясини ташкил этади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва шикоятни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

устидан шикоят қилинган қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида;

қарорни бекор қилиш ва, зарур ҳолларда, янги қарор қабул қилиш тўғрисида;

божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб эътироф этиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор чиқариш ҳақида.

Апелляция комиссиясининг қарори шикоят берган шахсга уч кун ичида ёзма шаклда юборилади ёки топширилади, кўчирма нусхаси эса тегишли божхона органига юборилади.

Апелляция комиссиясининг ушбу Кодексда белгиланган асосда ва тартибда чиқарилган қарори божхона органлари томонидан ижро этилиши шарт.

409⁷-модда. Божхона органига ёки судга шикоят бериш оқибатлари

Божхона органларининг қарорлари, ушбу органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга берилган шикоятлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Ариза судга берилган тақдирда, божхона органи қарорининг шикоят қилинаётган қисмини ижро этиш ариза суд томонидан иш юритувга қабул қилинган кундан эътиборан ва суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб турилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
ЎРҚ-748-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

42 Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Кооперация тўғрисида**»ги 295–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 193-модда; 1994 йил, № 2, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси 2-бандининг биринчи хатбошисидаги** «кооператив жойлашган ердаги ҳокимликда» деган сўзлар «давлат хизматлари марказларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида**»ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисмидаги** «қоидалар қабул қилади ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) қуйидаги мазмундаги **VI¹ бўлим** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 февралда эълон қилинган.

«VI. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби

33¹-модда. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик асослари

Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулотни ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Патент эгасининг аризаси асосида Агентлик саноат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарималар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган текширувлар асосида Агентлик томонидан солинади. Бунда текширув давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча Агентликнинг ва ҳуқуқбузар юридик шахснинг (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, Агентликнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис ҳозирлигида тасдиқлаши керак.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

33²-модда. Жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ва уни ҳуқуқбузарга юбориш

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу Қонун 33¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган миқдорларда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг раҳбари (унинг ўрни-

ни босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

33³-модда. Жаримани ихтиёрий равишда тўлаш

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

33⁴-модда. Жаримани ундириш

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ҳуқуқбузар Агентликнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишга ҳақли».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисмидаги «адлия органлари» деган сўзлар «давлат хизматлари марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «рўйхатдан ўтказувчи органни» деган сўзлар «адлия органини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида**»ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) қуйидаги мазмундаги **37¹-модда** билан тўлдирилсин:

«37¹-модда. Товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби

Товар белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар учун белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Ҳуқуқ эгасининг аризаси асосида Агентлик товар белгисидан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарималар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган текширувлар асосида Агентлик томонидан солинади. Бунда текширув давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча Агентликнинг ва ҳуқуқбузар юридик шахснинг (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, Агентликнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар ҳолис ҳозирлигида тасдиқлаши керак.

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдорларда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

Хуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Хуқуқбузар Агентликнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишга ҳақли».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган «**Фирма номлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–51-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 493-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Фирма номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби

Фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари хуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Фирма номига бўлган хуқуқ эгасининг аризаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жарималар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган текширувлар асосида Агентлик томонидан солинади. Бунда текширув давомида аниқланган хуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча Агентликнинг ва хуқуқбузар юридик шахснинг (бундан буён матнда хуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Хуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, Агентликнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис хозирлигида тасдиқлаши керак.

Жарима солиш учун асос бўлган хуқуқбузарлик аниқланганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентлик хуқуқбузарга нисбатан ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдорларда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор Агентликнинг раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, Агентлик жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида беради.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

Ҳуқуқбузар Агентликнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишга ҳақли».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар) **23-моддаси** қўйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномага оид ҳуқуқни ва товар белгисига доир ҳуқуқларни резидентдан оловчи норезидент бўлган тақдирда, давлат божи (патент божи) норезидентлар тегишли ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечганлиги (уларни бошқа шахсга ўтказганлиги) муносабати билан ўзгартишлар киритганлик (товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномага оид ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганлиги муносабати билан аризачини ўзгартирганлик) ёки рўйхатдан ўтказганлик (товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олганлик) учун белгиланган миқдорларда тегишинча тўланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 2-банди, 4-моддасининг 2-банди, 5 ва 6-моддалари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
ЎРҚ-749-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

43 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2021 йил 1 июнь куни Анқара шаҳрида имзоланган қуйидаги халқаро шартномалар:

2018 йил 30 апрелда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённома;

2018 йил 30 апрелда Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ўқитиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Протоколга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қўшимча баённома тасдиқлансин.

2. Ички ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартномаларни амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномаларнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида Туркия томонига тегишли билдиришнома юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин уларнинг қодалари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
ПҚ-108-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**44 Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини комплекс ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, ҳаракат таркибини барча қулайликларга эга бўлган замонавий автобуслар билан янгилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда пиёдаларга қулай ҳаракатланиш муҳитини яратиш мақсадида:

1. Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

жамоат транспорти тизимини унинг барча турларини узвий боғлаган ҳолда комплекс ривожлантириш, аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражасини камида икки баробарга ошириш;

жамоат транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, метрополитен тармоғини кенгайтириш, замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ҳамда намунавий лойиҳалар асосида автобус бекатларини ташкил этиш, жамоат транспорти ҳаракатига устуворлик бериш учун чорраҳа ва кўчаларни қайта лойиҳалаштириш;

ташувчиларни молиялаштириш тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириш орқали соҳа корхоналарини молиявий соғломлаштириш ҳамда хусусий сектор улушини икки баробарга ошириш;

велосипед ва бошқа моторсиз транспорт турларини ривожлантириш, жумладан, пиёдалар ва велотранспорт учун қулай ҳаракатланиш йўлакларини, велосипедларни ижарага бериш ва улар учун махсус турар жойларни ташкил этиш;

рақамли технологиялар ва инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда транспорт воситалари ҳаракатини бошқаришнинг интеллектуал («ақлли чорраҳа», «ақлли автобус» ва «ақлли бекат») тизимларини жорий этиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;

жамоат транспорти ҳаракат таркибини замонавий, экологик тоза автобуслар, жумладан электробуслар билан янгилаш.

2. Транспорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 1 ва 2-иловаларга** мувофиқ маъқуллансин.

Қуйидагиларни назарда тутувчи Тошкент шаҳар жамоат транспорти

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 февралда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тизимини 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

йўловчи ташишлар умумий ҳажмида жамоат транспортининг улушини ҳозирги 21 фоиздан 43 фоизга ошириш;

жамоат транспортида кунлик йўловчи ташиш ҳажмини камида икки баробарга ошириб, кунига 2,7 миллион йўловчига етказиш;

жамоат транспортининг ҳаракатланиш ўртача оралиқ интервалини 2 баробарга камайтириш;

жамоат транспортининг янги тармоғи асосида 159 та автобус йўналишларини, жумладан 11 та магистрал, 14 та ҳалқа, 92 та боғловчи ва 42 та етказиб берувчи йўналишларни босқичма-босқич жорий этиш;

1 063 та автобус, жумладан 673 та электробус харид қилиш йўли билан жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгилаш;

бир транспорт туридан бошқа транспорт турига қулай ва тезкор ўтиш учун 16 та замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш;

намунавий лойиҳа асосида 1160 та автобус бекатларини реконструкция қилиш.

3. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳрида 2023 йил 1 январдан бошлаб жамоат транспортининг янги тармоғи асосида ташкил этиладиган йўналишларда ташувчиларни «босиб ўтилган йўл», «йўловчи оқими» ва «сифат» мезонлари бўйича бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришнинг янги тизимини (кейинги ўринларда — янги тизим) босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, янги тизим асосида:

ташувчиларни молиялаштириш манбалари этиб жамоат транспортида йўловчи ташишдан олинadиган даромадлар ва маҳаллий бюджет параметрларида жамоат транспорти учун кўзда тутилган барча маблағлар ҳисобланади;

бажарилadиган ишлар қиймати ташувлар билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳамда камида 10 фоиз рентабеллик инobatга олинган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади;

йўловчи ташишдан олинadиган даромадлар ва маҳаллий бюджет параметрларида жамоат транспорти учун кўзда тутилган барча маблағлар Транспорт вазирлигининг Тошкент шаҳар транспорт бошқармасида жамланади ҳамда ташувчилар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Жамоат транспорти ташувчиларини бажарилган иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Транспорт вазирлигининг Тошкент шаҳрида автобус бекатлари намунавий лойиҳасини йўловчилар, шу жумладан, аҳолининг имконияти чекланган гуруҳлари учун қулай шарт-шароитлар яратилишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда мазкур бекат-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар жойлаштириладиган ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали тадбиркорлик субъектларига ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

тадбиркорларга мазкур бекатларда фақатгина реклама воситаси, банкоматлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга мўлжалланган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш (вендинг) автоматларини жойлаштиришга рухсат этилади;

янги ва реконструкция қилинадиган бекатлар жойлаштириладиган ер майдонларида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш тақиқланади, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш (вендинг) автоматлари бундан мустасно.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Тошкент шаҳридаги автобус бекатларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин;

ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида 280 та автобус бекатлари 2022 йил якунига қадар электрон онлайн аукцион савдоларига жойлаштирилишини таъминласин;

2022 йил 1 сентябрга қадар савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд бўлган амалдаги автобус бекатларида йўловчилар, шу жумладан аҳолининг имконияти чекланган гуруҳлари учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш чораларини кўрсин.

6. Ер усти жамоат транспорти ва метрополитен йўналишлари кесишувларида ҳамда транспорт оқими юқори бўлган жойларда транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш манзилли дастури 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади ҳамда қурилиш ишлари якунланганидан сўнг объектлар ўрнатилган тартибда баланс қийматида «Тошшаҳартрансхизмат» АЖга унинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш эвазига ўтказилади;

Тошкент шаҳар ҳокими транспорт-ўтиш боғламаларини қуриш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга ҳамда уларнинг имкониятлари ва афзалликлари бўйича аҳолини хабардор қилишга шахсан масъулдир.

7. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзавтосаноат» АЖнинг 2022 йилда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ҳаракат таркибини 190 та катта сифимли «MAN» ҳамда 200 та ўрта сифимли «SAZ LE 60» русумли автобусларни (кейинги ўринларда — автобуслар) маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш ҳисобига янгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Белгилансинки:

янги автобуслар «Ўзмиллийбанк» АЖнинг 5 йил муддатга, 18 фоиздан

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўп бўлмаган фоиз ставкаси асосида ажратиладиган кредитлари ҳисобидан харид қилинади;

«Ўзмиллийбанк» АЖ кредитларни харид қилинадиган автобуслар бўйича шартномалар қийматининг 80 фоизи 2022 йил февраль ойида, қолган 20 фоизи харид қилинган автобуслар «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан ажратади;

кредит, унга ҳисобланган фоиз, воситачилик тўловлари, кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар кредит шартномалари шартларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

харид қилинадиган автобуслар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кафиллиги «Ўзмиллийбанк» АЖ билан тузилган кредит шартномалари шартлари бўйича томонларнинг ўзаро мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти ҳисобланади;

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ устав капиталидаги давлат улуши автобуслар хариди билан боғлиқ барча харажатларни қоплашга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан йўналтирилган маблағлар миқдорига мутаносиб равишда оширилади.

9. Автобуслар харидини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банки кредитлари бўйича асосий қарзни қайтариш, фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлашнинг умумий прогноз жадваллари 5 ва 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, автобусларни харид қилиш учун жалб этиладиган «Ўзмиллийбанк» АЖ кредитлари билан боғлиқ асосий қарзни қайтариш, фоизлар ва воситачилик ҳақи бўйича тўловлар:

2022 йилда Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан;

2023 йилдан бошлаб ҳар йилги Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети параметрларида назарда тутилладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

11. Транспорт вазирлиги «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ билан биргаликда автобусларни харид қилишнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқсин ва икки ой муддатда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 3-иловасига мувофиқ 2023 — 2025 йилларда харид қилинадиган электробуслар учун халқаро молия институтларининг грант ва кредитларини жалб этиш чораларини кўрсин.

13. «Ўзавтосаноат» АЖ хорижий давлатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан музокаралар ўтказиб, республикада электробуслар ишлаб

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифларни уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Йўловчилар ташиш учун мўлжалланган, хайдовчи билан биргаликда саккиз ва саккиздан ортиқ ўриндикларга эга бўлган, фақат электр двигателъ орқали ҳаракатга келтириладиган автотранспорт воситаларини 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда утилизация йиғимининг ноль ставкаси қўлланилсин.

15. Транспорт вазирлиги Тошкент давлат транспорт университети билан биргаликда илғор хорижий таълим технологиялари асосида етук кадрларни тайёрлаш ҳамда таълим жараёнини инновацион усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ривожлантириш учун университетнинг трансформациясини халқаро стандартларга мос равишда амалга оширишга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим муассасалари ўқув режалари ва фан дастурлари трансферини амалга ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг соҳанинг етакчи олий таълим муассасаларида хорижий стажировкаларини ташкил этиш ҳамда мутахассислик модулларига юқори малакали чет эллик олим ва экспертларни кенг жалб этиш назарда тутилсин.

16. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳрининг 10 та марказий кўчаларида автомобилларнинг йўл бўйи пуллик тўхташ жойлари давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда автомобилларнинг автоматлаштирилган йўл бўйи пуллик тўхташ жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилсин.

17. Ички ишлар вазирлиги икки ҳафта муддатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини қисқартириш, хайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

19. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Маҳкамов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артиқходжаев зиммасига юклансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
ПҚ-111-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

45 Автомобиль йўллари соҳасида очиклик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш соҳасида мутлақо янги очиклик стандартларини жорий этиш ва шаффофликни таъминлаш ҳамда соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда — Автомобиль йўллари қўмитаси) томонидан автомобиль йўллари соҳасида шаффофлик ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик стандартларини жорий қилиш бўйича «Shaffof yo'l» онлайн ахборот платформаси (кейинги ўринларда — «Shaffof yo'l» платформаси) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини ўз ичига олган «Shaffof yo'l» платформасини 2022 йил 1 июлдан бошлаб тест режимида ишга туширсин.

3. «Shaffof yo'l» онлайн ахборот платформасида автомобиль йўллари соҳасида очик ахборотлар шаклида жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) қуйидагилар:

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун йўналтирилаётган маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар — Молия вазирлиги томонидан;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларида олиб борилаётган йўл қурилиш ишлари ҳақидаги, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари билан боғлиқ маълумотлар — Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан;

маҳаллий ҳокимликлар буюртмачилигидаги ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги кўчалар тўғрисидаги маълумот-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 февралда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан шакллантирилади ҳамда «Shaffof yo'l» платформасига киритилади;

б) «Shaffof yo'l» платформасининг алоҳида саҳифаси орқали аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланиш учун юзага келган фавқулодда техник муаммолар (светофорлар ва йўл белгилар ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий офатлар натижасида юзага келадиган ҳодисалар ортидан ҳосил бўладиган оқибатлар) ҳақида фото- ва видеомурожаатлар — жамоатчилик фикри асосида шакллантирилади;

в) «Shaffof yo'l» платформасида жойлаштирилдиган маълумотлар базаси Автомобиль йўллари қўмитаси расмий веб-сайти ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда юритилади.

5. Автомобиль йўллари қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда 2022 йил 1 майга қадар автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларининг интерактив онлайн харитаси-схемасини (кейинги ўринда — харита) ишлаб чиқсин ва «Shaffof yo'l» платформасига жойлаштирсин;

2023 йилдан бошлаб ва кейинчалик ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда кейинги йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши назарда тутилган барча тоифадаги йўл участкаларини харитага жойлаштириш амалиётини йўлга қўйсин.

Бунда, харитадаги ҳар бир объект бўйича техник-паспорт, фото-видео материаллар юритилиши ва акс этирилиши инobatга олинсин.

6. Молия вазирлигининг «Очиқ бюджет» ахборот портали (кейинги ўринларда — «Очиқ бюджет» портали) орқали туман (шаҳар)лар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида шаклланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларини таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар:

ички хўжалик йўлларининг жойлашган манзили (геопозицияси), тўлиқ номи, узунлиги, ҳолати (асфальтланган, таъмирталаб) ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган Ички хўжалик йўллари реестрини шакллантирсин;

Ички хўжалик йўллари реестридан геомаълумот асосида фуқаролар

томонидан тегишли ҳудуддаги ички хўжалик йўлини танлаш орқали ўз таклифини қолдириш имкониятини яратсин;

«Очиқ бюджет» порталининг «Shaffof yo'l» платформаси билан интеграция қилинишини ҳамда «Очиқ бюджет» порталининг мобиль иловаси ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, фуқаролар томонидан ички хўжалик йўллари реал вақтдаги жойлашган жойи (геолокация) асосида қайд этиш орқали ички хўжалик йўллари тўғрисида хабар бериш имконияти назарда тутилсин.

9. Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Shaffof yo'l» платформаси ишини тест режимида ташкил этиш натижасида юзага келган муаммо ва мавжуд камчиликларни барта раф этсин, заруратга кўра, платформани такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ҳамда 2023 йил 1 январдан бошлаб «Shaffof yo'l» платформаси тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

10. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштира син.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси Транспорт вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Автомобиль йўллари кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ички хўжалик йўлларни цемент-бетон қопламага ўтказган ҳолда таъмирлашда:

цемент-бетон қопламали йўлларни қуришга ихтисослашган тажрибали корхоналар фаолиятини ўрганиш асосида уларнинг технологияларини татиқ этиш ва махсус ускуналарни харид қилиш;

йирик цемент-бетон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кооперацион алоқаларни ўрнатиш орқали йўлларни таъмирлаш таннархини туширишни таъминловчи тадбирлар амалга оширилишини назарда тутувчи «йўл хари-талари»ни ишлаб чиқсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
49-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 февралдаги 49-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида
худудий ички хўжалик йўллари таъмирлаш учун
ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида
аниқланган ички хўжалик йўллари таъмирлашга
йўналтириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўллари таъмирлашга йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ички хўжалик йўллар реестри — республика бўйича барча шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, хўжалик автомобиль йўллари (кейинги ўринларда — ички йўллар) тўлиқ рўйхатини ўз ичига олган маълумотлар базаси;

ўртача нарх — бир квадрат метрлик ички йўлни таъмирлаш учун талаб этиладиган харажатларнинг ўртача қиймати.

3. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида худудий ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали (кейинги ўринларда — ахборот портали) орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўллари таъмирлаш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармалари томонидан ҳар йили 15 декабрь санасига қадар ҳисобот йили давомида амалга оширилган ички йўллари таъмирлаш учун сарфланган маблағлар асосида ўртача нарх шакллантирилади ва ахборот порталига киритилади.

5. Ҳар бир туман (шаҳар)да туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағлар миқдори ҳамда худудлар бўйича аниқланган ўртача нарх туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ахборот порталида эълон қилинади.

6. Ахборот портали автоматик равишда ўртача нарх ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман (шаҳар) бўйича таъмирланадиган ички йўллари таъмирлашнинг умумий ҳажмини аниқлайди.

2-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўллари таъмирлашга доир таклифларни шакллантириш тартиби

7. Ички йўллари таъмирлашга доир таклифлар ахборот портали орқали кенг жамоатчилик ва бевосита фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар асосида шакллантирилади.

8. Жамоатчилик фикри асосида ички йўллари таъмирлашда таклифларни қабул қилиб олиш ҳар йили 10 январга қадар, билдирилган таклифлар орасидан қолиб таклифларни овоз бериш йўли билан аниқлаб олиш жорий йилнинг 31 январига қадар амалга оширилади.

9. Ахборот портали орқали таклифларни юбориш ҳамда овоз бериш жараёнида вояга етган фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

10. Жамоатчилик фикри асосида ички йўллари таъмирлаш учун туман (шаҳар) маҳаллий бюджети маблағларини йўналтириш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Фуқаролар ҳар йили ички йўллари таъмирлашга доир фақат битта таклифни киритиши ҳамда битта таклифга овоз бериши мумкин. Фуқаролар ўзлари томонидан киритилган таклифга овоз бериши тақиқланади.

12. Ички йўллари таъмирлашга доир таклифлар киритиш фуқаролар томонидан ахборот порталида тақдим этилган Ички йўллар реестридаги тегишли ички йўллардан бирини танлаш орқали амалга оширилади.

13. Ахборот портали орқали таклиф киритиш бевосита порталда рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади.

14. Фуқаролар томонидан танланган ички йўллар ахборот порталида автоматик равишда таклиф сифатида шаклланади ва бошқа фуқароларнинг овоз бериши учун имконият яратилади.

15. Ҳар бир туман ва шаҳарларда билдирилган таклифлар бўйича берилган энг кўп овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб сараланади.

16. Қолиб таклифлар туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш қийматини ҳисобга олган ҳолда автоматик тарзда кетма-кетлик бўйича аниқланади.

17. Агар кетма-кетлик бўйича қолиб деб топилган таклифларнинг амалга ошириш қиймати тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўллари таъмирлашга ажратилган маблағларнинг 50 фоизидан кам бўлса, тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўллари таъмирлашга ажратилган маблағлар қийматидан ортиқ бўлмаган кетма-кетлик бўйича навбатдаги таклиф ҳам қолиб деб топилади.

18. Ҳар бир қолиб деб топилган таклиф учун алоҳида ғазна ҳисобварағи очилади ва тегишли маблағлар ўтказиб берилади.

19. Қолиб деб топилган таклифлар учун ажратиладиган маблағларнинг

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қиймати ҳисоб-китобига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади. Бунда, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилган қиймат голиб деб топилган таклиф дастлабки қийматининг 5 фоизидан ошиб кетишига йўл қўйилмайди. Аниқлик киритилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан таклифни амалга ошириш қиймати дастлабки таклиф қийматининг 5 фоизидан ошиб кетган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатлари қайта кўриб чиқилади.

20. Агар голиб деб топилган таклифда кўрсатилган ички йўллари таъмирлаш жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукуматнинг тегишли қарорлари ёки ривожлантириш дастурлари доирасида бошқа манбалар ҳисобидан таъмирланиши назарда тутилган бўлса, ахборот порталига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармалари томонидан ушбу таклифни бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши учун асос бўлувчи ҳужжатлар юкланади ҳамда ушбу таклиф автоматик равишда ахборот порталидаги голиблар рўйхатидан чиқарилади.

Бундай ҳолларда ахборот порталида кетма-кетлик бўйича голиблар рўйхати қайта шакллантирилади.

21. Голиб деб топилган таклифлар Ички йўллар реестрида қайд этиб борилиб, келгуси уч йил давомида қайта таклиф бериш имконияти берилмайди.

22. Голиб деб топилган таклифлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ушбу таклифларни илгари сурган фуқаролар жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилади, фуқаролар томонидан иштирок этиш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

3-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўллари таъмирлашни молиялаштириш тартиби

23. Голиб деб топилган таклифлар бўйича ички йўллари лойиҳалаштириш, таъмирлашда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари буюртмачи вазифасини бажаради.

24. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағлар тегишли тартибда туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари томонидан ички йўллари таъмирлашга масъул ваколатли органга ўтказиб берилади.

4-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўллари таъмирлашни молиялаштириш бўйича ҳисобдорлик

25. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан самарали фой-

даланишни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида голиб деб топилган таклифларни молиялаштириш учун очилган ғазна ҳисоб-варақлар ахборот порталига бириктирилади ва фойдаланувчиларга ажратилган маблағлар ва уларнинг сарфланиши юзасидан реал вақт шароитида маълумотлар билан танишиб бориш имконияти яратилади.

26. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида таъмирланган ички йўлларда амалга оширилган ишлар юзасидан туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан мажбурий равишда кўргазма планшетлари ўрнатилади.

Планшетларда ахборот портали орқали тегишли ички йўлни таъмирлашга доир келиб тушган таклифга йўналтирувчи «QR» штрих-код билан тасвирланган веб-манзил акс эттирилади.

27. Ахборот портали орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш босқичлари бўйича ташаббускорлар қуйидаги ҳолларда СМС-хизмати орқали хабардор этиб борилади:

таклиф голиб деб топилганда;

голиб деб топилган таклифни молиялаштириш учун маблағ ҳисобвараққа келиб тушганда;

голиб деб топилган таклифни амалга ошириш мақсадида шартнома имзоланганда (пудрат ташкилоти номи, шартнома суммаси ва давлат харидлари порталидаги махсус рақами);

молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан харажатлар амалга оширилганда (қайси ташкилотга маблағ ўтказилганлиги, маблағ миқдори ва тўлов мақсади).

28. Голиб деб топилган таклифлар асосида манзилли рўйхатга киритилган ички йўллар бўйича лойиҳа ҳужжатлари, ишлар рўйхатининг тасдиқланиши тўғрилигини, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланганлиги, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳажми ва сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ушбу таклифларни илгари сурган фуқаролар жалб қилинади, фуқаролар томонидан иштирок этиш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда, ахборот порталида ҳар бир лойиҳа бўйича жамоатчилик назорати натижалари жойлаштирилади ва ҳар бир таклиф ва эътирозларга маҳаллий органлар ва буюртмачилар томонидан асослантилган жавоблар қолдирилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Ушбу Низомга асосан ички йўлларни таъмирлаш тадбирлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, кейинчалик ушбу йўллардан фойдаланиш бўйича ички йўлларни таъмирлаш учун масъул ваколатли орган шахсан жавобгар ҳисобланади.

30. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий

ички йўллари таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши устидан назорат Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

31. Ушбу Низомга мувофиқ таъмирланган йўллари давлат стандартларига мувофиқ эканлиги ва техник талабларга мослиги устидан доимий назорат Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

46 Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3347*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
2-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 2 февралдаги
2-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини
коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича
экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
илмий эксперт — Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг вакили;

мустақил эксперт — Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган жисмоний шахс;

Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестри (бундан буён матнда Экспертлар реестри деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Адлия вазирлиги деб юритилади) томонидан юритиладиган мустақил ва илмий экспертлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган ягона маълумотлар базаси.

2. Экспертлар реестрини юритиш, унга тегишли маълумотларни киритиш Адлия вазирлигининг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

3. Мустақил ва илмий экспертлар тўғрисидаги маълумотларнинг Экспертлар реестрига киритилиши мустақил ва илмий экспертларнинг расмий тасдиғи ҳисобланади ҳамда мустақил ва илмий экспертлар тўғрисидаги маълумотларни Экспертлар реестрига киритиш ва бу ҳақида тегишли билдиришнома бериш орқали амалга оширилади.

Экспертлар реестрини юритиш мустақил ва илмий экспертларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Мустақил ва илмий экспертлар тўғрисидаги маълумотларни Экспертлар реестрига киритиш учун тўлов ундирилмайди.

2-боб. Мустақил ва илмий экспертларга қўйиладиган талаблар

5. Мустақил экспертларга қўйидаги талаблар қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш;

олий маълумотга эга бўлиш;

мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлиш.

6. Илмий экспертларга қўйидаги талаблар қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш;

олий маълумотга эга бўлиш;

илмий ташкилот ва (ёки) олий таълим муассасасида фаолият юритаётган ҳамда мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик иш стажига ёхуд илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эга бўлиш.

7. Қўйидагилар мустақил ва илмий эксперт бўлиши мумкин эмас:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда ишлаётган шахс;

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси юритилаётган шахс.

8. Мустақил ва илмий экспертнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

3-боб. Экспертлар реестрини шакллантириш

9. Ариза берувчи Экспертлар реестрига киритиш ҳақидаги ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги аризани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бевосита, почта алоқаси ёки Адлия вазирлигининг расмий электрон почта манзили орқали тақдим этади. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

илмий даража ва (ёки) илмий унвонга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг розилик хати (илмий экспертлар учун).

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Мазкур низомнинг 9-бандида назарда тутилган ариза ва унга ило-ва қилинадиган ҳужжатлар Адлия вазирлигига бевосита тақдим этилган тақдирда, мазкур ҳужжатлар вазирлик томонидан қабул қилинади ҳамда уларнинг қабул қилиб олинган санаси кўрсатилган аризанинг нусхаси, шу заҳоти, ариза берувчига берилади.

11. Адлия вазирлиги ариза берувчиларнинг олий маълумоти тўғрисидаги диплом маълумотлари ҳамда иш стажини тасдиқловчи маълумотларни масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади.

12. Ариза берувчи тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Адлия вазирлиги масъул ходими ариза келиб тушган вақтдан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида тақдим этилган ҳужжатларга асосан ариза берувчининг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган ҳамда ариза берувчи кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда, у Экспертлар реестрига киритилади ва тегишли реестр рақами берилади. Экспертлар реестрига киритиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Адлия вазирлиги ариза берувчига Экспертлар реестрига киритилганлиги тўғрисида билдиришнома юборади. Билдиришнома ариза берувчи Экспертлар реестрига киритилган вақтдан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида юборилиши ва унда мустақил ёки илмий экспертнинг реестр рақами кўрсатилиши шарт.

14. Адлия вазирлиги ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тегишли равишда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёхуд ариза берувчи мазкур Низомнинг 5 — 7-бандлари талабларига мувофиқ бўлмаганда Экспертлар реестрига киритишни рад этади ва Экспертлар реестрига киритиш рад этилган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида ариза берувчига рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда билдиришнома юборади.

15. Ариза берувчи билдиришномани олган кундан бошлаб Экспертлар реестрига киритишни рад этишга асос бўлган ҳолатларни бартараф этган ҳолда 30 (ўттиз) кун ичида такроран мурожаат этганда, Адлия вазирлиги мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ариза берувчини экспертлар реестрига киритишни таъминлайди.

16. Мустақил ва илмий экспертлар реестрга киритилган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4-боб. Экспертлар реестрини юритиш

17. Экспертлар реестри мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ электрон шаклда юритилади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

18. Экспертлар реестрида мустақил ва илмий экспертлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

мустақил ва илмий экспертга берилган реестр рақами;

Экспертлар реестрига киритилган сана;

мустақил ва илмий экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

мустақил ва илмий экспертнинг яшаш манзили, телефон рақами, электрон почта манзили (мустақил ва илмий экспертнинг розилиги асосида);

мустақил ва илмий экспертнинг мутахассислиги, маълумотини тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари;

мутахассислиги бўйича иш фаолиятига оид маълумотлар;

илмий даража ёки (ва) унвонга оид маълумотлар;

Экспертлар реестридан чиқарилган сана ва чиқариш сабаблари.

19. Мустақил ва илмий экспертлар Экспертлар реестридаги маълумотлари ўзгарган ҳолларда мазкур маълумотлар ўзгарган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Адлия вазирлигига хабарнома юбориши шарт.

Адлия вазирлиги мазкур хабарнома келиб тушган вақтдан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Экспертлар реестрига тегишли ўзгартиришларни киритади.

20. Мустақил ёки илмий экспертнинг фаолияти унинг асослантирилган сабабларга кўра мурожаатида кўрсатилган муддатга, лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Мустақил ёки илмий эксперт фаолиятини вақтинча тўхтатиш ҳақидаги мурожаатида кўрсатилган муддат тугамасдан туриб ҳам фаолиятини давом эттириш ҳақида мурожаат қилишга ҳақли.

21. Мустақил ёки илмий экспертнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганда улар Экспертлар реестридан чиқарилмайди, фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги ҳолати Экспертлар реестрида қайд этилади.

22. Мустақил ёки илмий эксперт фаолияти вақтинча тўхтатилган кундан бошлаб кўпи билан 6 ой ичида Адлия вазирлигига фаолиятини давом эттириш ҳақида мурожаат қилиши лозим.

Мустақил ёки илмий эксперт фаолияти вақтинча тўхтатилган кундан бошлаб 6 ой давомида фаолиятини давом эттириш ҳақида мурожаат этмаган тақдирда Экспертлар реестридан чиқарилади.

23. Мустақил ёки илмий эксперт қуйидаги ҳолларда Экспертлар реестридан чиқарилади:

Экспертлар реестридан чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

вафот этганда;

хорижда доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганда;

илмий ташкилот ёки олий таълим муассасаси илмий экспертни Экспертлар реестридан чиқариш тўғрисида мурожаат қилганда;

мустақил ёки илмий эксперт фаолияти вақтинча тўхтатилган кундан бошлаб 6 ой давомида фаолиятини давом эттириш ҳақида мурожаат этмаганда;

мустақил ёки илмий эксперт охириги 6 ой давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тузилган чеклист ёки хулосани давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этмаганда;

мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳолатлардан бири юзага келганда.

24. Мустақил ёки илмий экспертнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиш ҳамда уларни Экспертлар реестридан чиқариш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва сабаблари Экспертлар реестрида қайд этилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

25. Экспертлар реестрига киритилган маълумотлар Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва ундан барча фойдаланиши учун очиқ бўлади.

26. Манфаатдор томонлар Экспертлар реестрига киритиш рад этилганлиги, ундан чиқарилганлигидан норози бўлса, белгиланган тартибда судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

27. Мустақил ва илмий экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини амалга ошириш ҳолати бўйича ҳар 6 ойда камида бир марта Адлия вазирлигига 4-иловага* мувофиқ электрон шаклда ҳисобот тақдим этади.

28. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

*Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори*

А. БУРХАНОВ

2022 йил 31 январь

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

47 «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 январь,
47-сон

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2022 йил 28 январдаги
47-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2015 йил 2 февралдаги 72-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2658, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 106-модда).

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 февралда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2016 йил 29 июлдаги 670-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 50-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2658-1, 2016 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 31-сон, 382-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги 212-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2658-2, 2019 йил 8 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.04.2019 й., 10/19/2658-2/2904-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 30 майдаги 377-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2658-3, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/2658-3/1023-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

48 «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2654-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 декабрдаги 775-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга номзодларни саралаб олиш ва қабул қилиш, курсантларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 январь,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2022 йил
28 январдаги 37-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2654, 2015 йил 9 февраль)

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 3 февралда эълон қилинган.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 6-сон, 71-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2016 йил 24 августдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2654-1, 2016 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 35-сон, 412-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2654-2, 2018 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2018 й., 10/18/2654-2/0602-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 2 февралдаги 2-мх-сон «Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3347.

2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2022 йил 28 январдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-4.

3. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2022 йил 28 январдаги 37-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2654-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2015 йил 2 февралдаги 72-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2658, 2015 йил 5 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2658-1, 2016 йил 2 август), (рўйхат рақами 2658-2, 2019 йил 8 апрель), (рўйхат рақами 2658-3, 2020 йил 30 июнь).

2022 йил 3 февралда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнфин хавфсизлиги институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2654, 2015 йил 9 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2654-1, 2016 йил 29 август), (рўйхат рақами 2654-2, 2018 йил 22 январь).

2022 йил 3 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.